ҒАРИБЛИК ВА ҒАРИБЛАР

Муаллиф:

Аммор ибн Абдуллоҳ ал-Ҳиндий

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

Ибн Қаййим ал-Жавзиянинг «اَلْغُرْبَةُ وَ الْغُرَبَاءُ» «Ғариблик ва ғариблар»номли асари асосида.

Бутун оламларнинг Роббиси, Яккаю Ягона Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Унинг расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга, у кишининг аҳли оиласига, асҳобларига ва то Қиёматгача у кишига изма-из эргашувчи барча умматларига кўпдан-кўп салотлар ва саломлар бўлсин!

Аммо баъд...

«Ислом ғариб бўлиб бошланди ва у албатта *(бошланганидек)* ***яна ғарибликка қайтади. Шундай экан ғарибларга хушхабар*** *(жаннат хушхабарини)* ***бўлсин».***

Ғариблик нима?

Аллоҳнинг динини тутган кишилар яккаланиш, мусофирлик каби ғариблик ҳиссини сезадилар. Мусулмон киши бу туйғуни одатда динсиз кимсалар орасида кўпроқ сезади. Аммо энг ачинарлиси шуки, бугун киши ҳатто мусулмон биродари билан бирга бўлганда ҳам бу туйғуни ҳис қилмоқда. Чунки ҳар бир билган суннат ёки исломий одобларга риоя қиламан деган мана бу мусулмоннинг атрофидагилар унинг бу амалларига ажабланиб боқадилар ёки бу ажабланишларини сўзлар билан ифодалайдилар, баъзида эса у ўз мусулмон биродари ёки муслима синглисининг Исломга зид бўлган амаллари ёки куфрга олиб борувчи бидъатлари олдида ўзининг соф исломий амаллари билан ғарибликни ҳис қилади. Уларни бу мункарлардан қайтаришга ҳаракат қилганида унинг сўзларига қулоқ тутадиган кимсани топа олмаганда яна ҳам ёлғизликни чуқурроқ ҳис қилади.

Улар (Аллоҳ барчамизни ҳидоятда собит қилсин!) Қуръон оятларидан ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг улар ҳис қилаётган ғариблик ҳолатини тасвирлаб берган бир қанча ҳадисларидан таскин олсинлар.

НИМА УЧУН УЛАР «ҒАРИБЛАР» ДЕБ АТАЛГАН?

«Бас, сизлардан аввалги асрларда ўтганлар орасида ҳам ерда бузғунчиликдан қайтарадиган яхши кишилар бўлганда эди. Уларнинг ичларида фақат Биз нажот берган камдан-кам кишиларгина *(шундай зотлар эди)***».**[1]

Бу оятда одамларни ҳикмат ила ёмонликдан қайтарувчи озгина одамлар- «ғариблар», ҳақида айтилган. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам улар ҳақида шундай деганлар:

«Ислом ғариб бўлиб бошланди ва у албатта бошланганидек яна ғарибликка қайтади. Ғарибларга хушхабар *(«Тууба» - жаннат хушхабарини)* ***беринглар».*** Саҳобалар сўрашди: ***«Ё Расулуллоҳ, ғариблар кимлар?».*** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: ***«Улар шундай кишиларки, одамлар бузилиб бораётганда*** *(ўзларини ва)* ***уларни тўғриловчилардир»,- деб жавоб бердилар.***[2]

Бошқа бир ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу саволга шундай жавоб берганлар:

«Улар кўп ёмон одамлар орасидаги озчилик *(бўлган бир гуруҳ)****дир. Уларга қарши чиқувчилар уларга эргашувчилардан кўпдир»***.[3]

Бундай мақтовга лойиқ кишилар жамиятда нодир бўлгани учун «ғариблар» деб аталди. Демак, мусулмонлар барча одамлар орасидаги ғариблардир, ҳақиқий мусулмонлар **«мусулмонлар»** деб аталувчилар ичидаги ғариблардир. Олимлар ҳақиқий мусулмонлар орасида ғаридирблар. Ўзларини бидъатлардан поклаб, асл суннатга эргашувчилар ҳақиқий ғарибдирлар.

Улар амаллари ва эътиқодлари бегона бўлгани учун эмас, балки жуда ҳам озчилик бўлганлари учун ғарибдирлар.

«*(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)***, агар сиз ер юзидаги кимсаларнинг жуда кўпларига итоат қиладиган бўлсангиз, улар сизни Аллоҳнинг Йўлидан оздириб юборадилар».** (Анъом: 116)

«Гарчи сиз *(барча одамларнинг иймон келтиришларини)* **жуда истасангиз-да, одамларнинг кўплари мўмин бўлмайдилар».** (Юсуф: 103)

«Шубҳасиз, одамларнинг кўплари фосиқ – итоатсиздирлар». (Моида:49)

---

[1] «Ҳуд»- 116.
[2] Абу Амр ад-Даний ривояти. Албоний саҳиҳ деган.
[3] Ибн Асокир ривояти. Албоний саҳиҳ деган.

«... Лекин одамларнинг кўплари шукр қилмайдилар». (Юсуф:38)

Албатта барча нарсани билиб яратган Зот, одамларнинг кўпчилиги ҳаққа эргашмаслигини ҳам билади. Ғарибликнинг мақтовга лойиқ, айбловга лойиқ ва на мақтовга ва на айбловга лойиқ бўлган бир неча турини фарқлашимиз мумкин.

Қуйида «ғариблик» турларига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

ҒАРИБЛИКНИНГ ТУРЛАРИ

Ғарибликнинг уч тури бор:

Биринчи тур: Бу юқорида биз хабар берган, Аллоҳ таоло ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мақтаганларидек мақтовга лойиқ ғарибликдир. Демак, бу ғариблик Аллоҳ таолодан сўраладиган ғарибликдир ва бу хусусият эгалари нажот топувчилардир.

Бу ғариблик турли даврларда, турли жойларда ва турли одамлар ўртасида кўринади. Бундай ғариблар «Аллоҳ таолонинг хос бандалари» экани ҳақдир. Чунки улар Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарсага сиғинмайдилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларидан бошқа йўллардан нажот изламайдилар ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатидан бошқа нарсага чақирмайдилар. Улар шундай кишиларки, одамлар — ўзлари уларга муҳтож бўла туриб уларни ташлаб кетадилар.

«Барча гуруҳлар** (одамлар) **бу дунёда кимга** (ёки нимага) **эргашган бўлсалар, Қиёмат куни ҳам ўшанинг орқасидан эргашиб кетади. Аммо бир гуруҳ одамлар ҳеч қаерга кетмай жойларида туришади. Улардан: «**(Бошқа) **одамлар кетаётганлари каби сизлар ҳам кетмайсизларми?»,- деб сўралади. Шунда улар: «Биз дунёдалик чоғимизда уларни қайтарган эдик ва биз ўшанда уларга бугунги кундагидан ҳам кўра кўпроқ керак эдик. Ҳозир эса биз сиғинган Роббимизни кутяпмиз»,- деб жавоб берадилар».[1]

Бу ғариблик ўз эгаларига бирон ташвиш ёки ноқулайлик туғдирмайди, балки роҳат беради. Бу мусулмонларнинг кўнглига таскин берувчи ғарибликдир. Чунки улар Аллоҳ таоло уларнинг ёрдамчиси ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг йўл бошчиси эканини доим ҳис қилиб турадилар.

[1] Бухорий ва Муслим ривояти.

«Улар одамлар орасидаги, бировлар назарга илмайдиган, уст-боши чанг, сочлари тўзғиган, ҳеч нарсаси йўқ бир киши бўлиши ҳам мумкин. Агар у Аллоҳга дуо қилса, Аллоҳ таоло унинг дуосини албатта ижобат қилади».[1]

Илми, тақвоси ва содда исломий ҳаёти билан танилган тобеин Ҳасан Басрий айтади:

«Бу дунёда мусулмон ғарибдир. У устидан масхара қилиб кулишларидан қўрқмайди (яъни маломатчининг маломатига парво қилмайди) ва ўз шон-шуҳрати, обрўси учун ҳеч қачон ҳеч ким билан рақобатлашмайди. Одамлар билан у бошқа-бошқа аҳволдадир. Одамлар уларни хоҳлашмайди (ёқтиришмайди).Улар эса ўзлари билан ўзлари оворадир».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини одамлар тарк қилиб, ҳатто унутиб юбораётганларида ҳам суннатни маҳкам ушлашлари ғарибларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таърифлаган сифатларидандир. Улар одамлар ихтиро қилган куфрий бидъатлардан юз ўгирадилар. Бундай бидъатлар одамлар орасида одатий ҳол бўлиб, оммавий тус олган бўлса ҳам, унга қиё боқмайдилар. Улар тавҳидни мустаҳкам ушлайдилар. Одамлар ширкка ёпишсалар, улар ўзларини фақатгина Аллоҳ ва Унинг расули соллаллоҳу алайҳи ва салламга боғлайдилар. Бу боғланиш олимлар, маълум мазҳаблар, жамоатлар воситаси билан бўлади. Улар Аллоҳ таоло буюрган асл ибодатларни ўз ўрнида исталгандек қилиш билан ҳамда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларини мустаҳкам тутиш билан ўзларини Аллоҳга бағишлайдилар. Уларнинг мисоли қўлларида чўғни тутиб турувчи кишилар кабидир.

Одамлар турли хил динларни тутганларида Аллоҳ таоло Ўзининг расулини юборди. Ўша пайтда кимлардир дарахтларга ва дарёларга ибодат қилар, баъзилар бутларга ибодат қилса, баъзилар насоро, яҳудий ва оташпараст эдилар. Ислом бундай одамлар орасида илк бор кўринганида уларга бегона эди. Агар киши Исломни қабул қилса ҳамда Аллоҳ ва расулининг чақириғига «Лаббай»,- деб жавоб берса, оиласидан, қабиласидан ҳайдалар эдилар. Шунга қарамай Ислом кенг ёйилди ва мусулмонлар кучайиб, натижада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашмаганлар ғариб бўлиб қолди.

Аммо шайтон (унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!) одамларни йўлдан урди ва ниҳоят одамлар яна аввалги ота-боболарининг йўлларини тутдилар. Ҳолбуки, ота-

[1] Термизий ва Ҳоким ривояти. Албоний саҳиҳ деган.

боболари у йўлларни тарк қилиб Исломни қабул қилган эдилар. Ислом яна ғарибликка қайтди.

Ҳар бири ҳавои-нафслари ва шаҳватларини «худо» қилиб олган 72 гуруҳнинг ичида ғариблар ягона ажралиб турувчи гуруҳ бўлганларидан кейин қандай қилиб шу аҳволга тушмасинлар? Бу гуруҳларнинг таълимотлари шубҳа ва бидъатларга асосланган ва уларнинг ягона мақсадлари ўз шаҳватларини қондиришдир. Шундай экан, Аллоҳ таолонинг розилигига эришиш умидида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларини маҳкам ушловчи ягона гуруҳ бундай гуруҳлар ичида ғарибдир.

Шунинг учун ҳам, ҳозирги ғариблик ҳолатида суннатни маҳкам тутувчи киши бир суннатни қилгани учун, шу суннатни қилган саҳобалардан элликтасига берилган ажр билан мукофотланади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қуйидаги оят ҳақида сўрашди**:**

«Эй мўминлар, ўзингизни билингиз! *(Яъни, гуноҳлардан сақланингиз!)* **Модомики, ҳақ Йўлни тутган экансиз, адашган кимсалар сизларга зарар етказа олмас».**[1]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жавоб бердилар:

«Бас, яхшиликни қилиб унга буюринглар ва ёмонликдан тийилиб ундан қайтаринглар. Қачонки хасислик кучайганини, нафс-ҳавога эргашилаётганини ва бу дунё охират ишларидан афзал кўрилгани ҳамда ҳар бир одам ўз раъйидан қолмаётганига гувоҳ бўлсанг, ўзингни эҳтиёт қил ва оммани ташлаб қўй. Сизлардан кейин сабр қилиш қизиб турган чўғни қўлда ушлаб туришдек қийин бўлган кунлар келади. Ким ўша кунларга етиб, амал қила олса *(яъни суннатимни маҳкам ушлай олса)****, у шу амални қилган эллик кишининг савобини олади». Саҳобалар сўрашди: «Ё Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша даврдаги эллик кишинингми?». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан элликтангиз оладиган ажрни»,- деб жавоб бердилар».***[2]

Бу ажр унинг ғариб бўлгани учундир.

Агар Аллоҳ таоло раҳмати билан ҳикмат ва илм берилган бир мусулмон бу йўлни босиб ўтишни хоҳласа, Исломни қабул қилгани учунгина одамлар томонидан қийноқларга солинган аввалги биродарлари каби ўз яқинлари орасида ғариб бўлиб

---

[1] «Моида»- 105.

[2] Термизий ва Абу Довуд заиф санад билан, аммо етарли далиллар асосида ривоят қилган. Албоний саҳиҳ деган, «ас-Саҳиҳа».

яшашга ҳозирлик кўрсин. Одамларнинг эътиқодлари бузилиб кетгани учун у ўзининг соф эътиқоди билан ҳам ғарибдир. Одамларнинг «диндан» деб қилаётган бидъат амаллари олдида у ўзининг соф амаллари билан ҳам ғарибдир. Одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларини унутиб юборганлари учун у суннатга мувофиқ намози билан ҳам ғарибдир. Одамлар ёмонни яхши деб ва яхшини ёмон деб олганлари учун яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтаришда ҳам ғарибдир. Хуллас, бу дунёнинг барча ҳолатларида, Аллоҳ таолонинг йўлига чақиришда ва ўзига қарши бўлганларнинг бераётан барча азиятларига сабр билан чидаб туришда ғарибдир.

Ғарибликнинг иккинчи тури: Бундай ғариблик қоралланган ғариблик бўлиб унинг эгалари инсониятнинг энг жоҳил, кибрли, гуноҳкор вакилларидир. Уларнинг ғариблиги Аллоҳ таолонинг ҳақ йўлидан юз ўгирганлари учундир. Улар эргашувчиларининг кўплигига, кучларининг мўллигига ва жуда кенг тарқалган бўлишларига қарамай, барибир ғарибдирлар. Чунки улар Аллоҳга бегонадир. (Яъни улар Аллоҳ таолодан юз ўгиргани учун Аллоҳ таоло ҳам улардан юз ўгиргандир) Аллоҳ таолонинг Ўзи бундай оқибатдан сақласин!

Ғарибликнинг учинчи тури: На мақтовга ва на айбловга лойиқдир. Бу ғариблик турли мамлакатларда саёҳат қилиб юрган саёҳатчининг ҳолати кабидир, яъни у ҳар жойда қисқа муддат яшаб туради. Бир жойда узоқ қолмайди. Бир томондан бу ғариблик, фарқига борамизми-йўқми, бу дунёда барчамизга тегишлидир. Чунки бир кун келиб барчамиз Охиратдаги абадий яшаш жойимизга кетамиз. Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳуга айтган ҳадиси муборакларининг маъносидир*:*

«Бу дунёда қанча узоқ яшаганинг билан, барибир сен бир мусофир ёки йўловчисан, холос».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларининг маъносини чақадиган бўлсак, бу ғариблик мақтовга лойиқ ғарибликка бир пойдевор бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло бизларни илмли, ихлосли, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига содиқ бўлган ҳақиқий ғариблардан қилсин ва гуноҳларимизни кечириб Ўз раҳматига олсин!

ҒАРИБЛАРНИНГ СИФАТЛАРИ

اَلْفِرْقَةُ النَّاجِيَةُ – НАЖОТ ТОПГАН ТОИФА

«اَلْفِرْقَةُ النَّاجِيَةُ»нинг маъноси - «Нажот топган тоифа»дир. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилганлар: ***«Сизлардан аввалги аҳли китоблар 72 тоифага бўлинган. Бу уммат эса 73 тоифага бўлинади. 72 таси дўзахда ва биттаси жаннаттадир. Бу нажот топувчи тоифа жамоатдир»***.[1]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шаҳодатларига кўра нажот топувчи фирқа жамоатдир.

Жамоат деганда нимани тушиниш керак, улар кўпчиликни ташкил қиладиларми? Жамоат Қуръон Карим ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатлари узра бўлишдир, гарчи улар озчиликни ташкил этсалар ҳам ёки ёлғиз қолсалар ҳам.

Буни Суфёни Саврийнинг Юсуф ал-Ашатга айтган гапларидан ҳам билишимиз мумкин: *«Эй Юсуф, Агар мағрибда суннатга амал қилувчи киши ҳақида эшитиб қолсанг унга салом йўлла. Агар машриқда суннатга амал қилувчи киши ҳақида эшитиб қолсанг унга ҳам салом йўлла. Чунки Аҳли сунна жуда оз қолди»*.[2]

«Жамоа»ни Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай таърифлаганлар: *«Агар сен ҳақ устида ёлғиз қолган бўлсанг, сенинг ўзинг ҳам «Жамоа»дирсан»*.[3]

ҒОЛИБ ТОИФА

Баъзи ҳадисларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни «ат-тоифатул мансура» деб тарифлаганлар: ***«Умматимдан бир тоифа доим ҳақ устида зоҳир бўлиб туради. Уларга тўсқинлик қилмоқчи бўлганлар бирор-бир зарар етказа олмайдилар».***[4]

«Умматимдан бир тоифа Аллоҳнинг буйруғи келгунга қадар ҳақ устида зоҳир бўлиб туради».[5]

Бошқа бир ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни Аллоҳ таолонинг буйруқларини жорий қилувчилар деб айтганлар: ***«Умматимдан Аллоҳ таолонинг буйруқларини жорий қилиб борувчи бир тоифа уларга Аллоҳ таолонинг буйруғи келиб одамлар устидан ғолиб бўлиб кўринмагунларича***

---

[1] Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ривояти.
[2] Ибн Жавзий. «Талбиси иблис», 17- бет.
[3] Иълам ас-Сунна ал-Мансура, 195 бет.
[4] Муслим ривояти.
[5] Бухорий ва Муслим ривояти.

ҳамиша мавжуд бўлиб бораверади. Уларга тўсқинлик қилувчилар ва қарши чиқувчилар зарар етказа олмайдилар».[1]

Бошқа бир ривоятда эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни ҳақ йўлида жанг қилувчилар деб тасвирлаганлар (яъни Мужоҳидлар): ***«Бу динни жорий қилиш ҳеч қачон тўхтамайди. Бунинг учун мусулмонлардан бир гуруҳи Қиёмат қоимга қадар жанг қилиб бораверади»***.[2]

«Умматимдан ҳақ устида туриб курашувчи ва устун бўлувчи тоифа қайта тирилиш кунигача йўқ бўлмасдан туради».[3]

«Умматимдан бир тоифа, уларнинг энг сўнггиси Дажжол Масиҳ билан жанг қилмагунича йўқ бўлмасдан, доим ҳақ учун жанг қилиб ва ўзларига нисбатан ғаразда, адоватда бўлганлардан устун бўлиб бораверади».[4]

Бошқа бир ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу гуруҳни қаердан топиш мумкинлигини кўрсатганлар: ***«Умматимдан бир тоифа ҳеч қачон йўқ бўлмасдан душманларидан устун бўлган ҳолларида ҳар доим динда зоҳир бўлиб туради. Уларга Аллоҳ таолонинг буйруғи яқинлашгунга қадар қийинчилик туфайли чеккан азиятларидан бошқа уларга қарши чиқувчилар бирор бир зарар етказа олмайди»***. Саҳобалар сўрашди: «Ё Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам улар қаердалар?» Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: ***«Улар Байтул Мақдис ва унинг ён атрофидалар»,-*** деб жавоб бердилар».[5]

Демак:

- Барча ҳадисларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек, ушбу умматнинг бу гуруҳсиз яшайдиган бирор бир куни йўқдир: ***«Умматимдан бир гуруҳ ҳар доим ҳақ устида зоҳир бўлиб туради».***

Яъни мусулмонлар қандай ҳолатда бўлишларидан қатъий назар; улар заиф ёки кучли бўлишадими, улар то Қиёматгача ҳақ устида зоҳир бўлиб туради.

Ҳадисларда гувоҳи бўлганимиздек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу тоифани турли номлар билан атадилар ва турли сифатлар билан сифатладилар. Баъзан «اَلْغُرَبَاءُ» Ғариблар, баъзан «اَلْفِرْقَةُ النَّاجِيَةُ» Нажот топган тоифа, баъзан эса «اَلطَّائِفَةُ الْمَنْصُورَةُ» Ғолиб тоифа деб келтирилди. Бу номларнинг барчаси етмиш учта фирқанинг ичидаги жаннат ваъда қилинган бир тоифани ифодалайди.

---

[1] Бухорий ва Муслим ривояти.
[2] Муслим ривояти.
[3] Муслим ривояти.
[4] Ҳоким саҳиҳ деган ва Заҳабий тасдиқлаган.
[5] Аҳмад ривояти.

Шунинг учун Шайхул-ислом Ибн Таймийя ўзларининг «اَلْعَقِيدَةُ الْوَاسِطِيَّةُ» китобларини қуйидагича бошлаганлар: *«Қуйида келтирилганлар, ал-Фирқатун нажиятул мансуранинг эътиқодидир»*. Худди шу нарсани аллома Хофиз ибн Аҳмад ал-Ҳакамийнинг «إِعْلاَمُ سُنَّةِ الْمَنْصُورَةِ لِإِعْتِقَادَاتِ الطَّائِفَةِ الْمَنْصُورَةِ» номли асарининг сарлавҳасида ҳам кўришимиз мумкин.

ҒАРИБЛАР КИМЛАР ЎЗИ?

Умматнинг турли тоифаларига назар солганимизда ва уларнинг ҳар бири «Биз нажот топган ва ғолиб бўлган тоифамиз»,- деб даъво қилаётганини кўрганимизда ушбу саволга рўбаръ келамиз.

Мусулмонлар турли тоифаларга бўлиниб кетган ҳозирги кунда, маълум бир гуруҳ ёки партияни кўрсатиб: «Мана шулар нажот топган ва ғолиб тоифа»,- деб кўрсатаётган одамларни учратишимиз мумкин. Бирор шахс ёки гуруҳни аниқ нажот топган ва ғолиб тоифа дейиш уларни аниқ жаннатий ва дўзахдан сақланган деб ишониб қолишга сабаб бўлади. Бу эса аҳли суннанинг эътиқодига тўғри келмайди. Биз ҳеч кимни жаннатий ёки дўзахий деб гувоҳлик бермаймиз. Демак, маълум бир шахс ёки гуруҳни мазкур тоифадан деб аташимиз ёки уларни шу маънони билдирувчи номлар билан аташимиз нотўғридир. Аммо бундай-бундай одам ёки гуруҳ ўша тоифага кўпроқ тўғри келади, дейишимиз ёки унинг бирор-бир сифатига эга гуруҳ ёки кишини умумий қилиб (фалон киши ёки гуруҳда фалон сифат бор деб) тасвирлаш мумкин.

Мисол учун Имом Бухорий ўзларининг «Саҳиҳ»ларида нажот топган тоифани «Улар илм эгаларидир»,- деганлар. Аҳмад ибн Ҳанбал эса: *«Агар улар аҳли ҳадисдан бўлишмаса, унда мен уларнинг ким эканини билмайман»*,- деганлар. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ушбу сўзини Қози Иёз кенгроқ шарҳлаб, шундай деган: *«Ибн Ҳанбал, Аҳли сунна вал жамоа ва Аҳли ҳадис мазҳабларидаги мусулмонларни назарда тутган»*.

Аҳмад ибн Ҳанбал нажот топган тоифа ҳақида сўралганида, шундай жавоб берганлар: *«Улар шомлик одамлардир. Чунки улар Румликларга қарши жанг қилмоқдалар. Мушрикларга қарши жанг қилувчи ҳар бир киши ҳақ устидадир».*

Яна бир буюк олим Шайхул-ислом Ибн Таймийя ҳам мужоҳидларнинг ғолиб фирқа сафига киришга кўпроқ ҳақли эканини таъкидлаганлар: «Ҳозирги кунда, Сурия ва Мисрдаги гуруҳлар ва уларга ўхшаганлар Ислом дини учун жанг қилмоқдалар. Шунинг учун улар ғолиб тоифага кирувчи кишилар бўлишга кўпроқ

ҳақлидирлар. Чунки бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларига тўғри келади: ***«Умматимдан бир тоифа ҳеч қачон йўқ бўлмай доим ҳақда кўриниб бораверади. Уларга қарши чиқувчилар ва тўсқинлик қилувчилар то Қиёмат қоимга қадар уларга зарар етказа олмайдилар»***, Муслим келтирган ривоятда эса: ***«Шом*** *(Сурия)* ***одамлари ҳеч ҳам йўқ бўлмай...»***,- деб келтирилган».[1]

Демак улар, қайси гуруҳ ёки партияга мансублиги ва қаерда, қайси вақтда бўлишларидан қатъий назар, зоҳирий ва ботиний амал ва ҳолатларида аҳли сунна мазҳабларида бўлганлари ва ҳозирги кунда куфр аҳлига қарши жиҳод қилаётган кишилар бу номга ҳақлироқдир. Бу гуруҳ дунёнинг маълум бир жойида маълум бир гуруҳ томонидан ташкил этилмайди. У бутун ер юзи бўйлаб тарқалгандир. Уларнинг ичида қаерда бўлишларидан қатъий назар яхшиликка буюриб ёмонликдан қайтарувчи олимлар, даъватчилар ва мужоҳидлар бордир.

Бу ҳақда Имом Нававий «Саҳиҳи Муслим»нинг шарҳида шундай деганлар: *«Бу гуруҳ мусулмонларнинг турли тоифалари ўртасида бўлинган бўлиши мумкин. Уларнинг ичида жанг қилаётган жасур мужоҳидлар ёки фуқаҳолар, муҳаддислар, зоҳидлар ва яхшиликка буюриб ёмонликдан қайтарувчи даъватчилар каби мақтовга лойиқ кишилар бўлиши мумкин. Уларнинг барчаси бир жойда бирга бўлишлари шарт эмас, балки улар ернинг турли ҳудудларига тарқалгандир».*[2]

НАЖОТ ТОПГАН ТОИФАДАН БЎЛИШ УЧУН ФАҚАТГИНА СОФ АҚИДА ШАРТ ҚИЛИНАДИМИ?

Бахтга қарши баъзи одамлар амалларга ва ахлоқ-одобга эътибор бермасдан, ақидага жуда катта урғу бериб юборадилар. Улар ўйлайдиларки, нажот топган фирқадан бўлиш учун ягона шарт, бу ақидадир. Демак уларнинг баҳсларига кўра амаллари қандай бўлишидан қатъий назар, эътиқоди тўғри бўлган киши ўз-ўзидан нажот топган фирқадандир. Эътиқоди нотўғри киши эса дўзахга ташланади ва унинг нажот топган фирқадан бўлишга имкони йўқ, ҳатто унинг яхши амаллари кўп бўлса ҳам... Бу нотўғри фикр. Бу уларнинг «Иржо» деб аталувчи касалликдан таъсирланганларини кўрсатади.

Нажот топган тоифадан бўлишнинг ҳақиқий таърифи қуйидагичадир: Баъзи мусулмонлар ўзларининг иймонлари ёки амаллари туфайли нажот топган

---

[1] Мажмуъул-Фатава, 28 боб, 531- бет.
[2] Мазкур манба, 13-боб, 67- бет.

фирқадан бўлишга кўпроқ ҳақлидирлар. Яъни, баъзи мусулмонларнинг яхши амаллари унчалик кўп бўлмаслиги мумкин, аммо улар тўғри ақидада бўладилар. Натижада мана шу тўғри ақидаси тош босиб, унинг нажот топган тоифадан бўлишига сабаб бўлади. Худди шунга ўхшаш, бир кишининг ақидасида куфрга олиб бормайдиган айрим бидъатлар бўлиши мумкин, аммо у кўп солиҳ амал қилади. Унинг солиҳ амаллари ақидасидаги бузуқликни ювиб кетиб уни нажот топган фирқадан бўлишига сабаб бўлади.

Чунки нажот топган тоифадан бўлиш учун фақат эътиқод шарт қилинмаган. Балки бу тоифадан бўлиш учун киши Қуръон ва суннатга, салафи солиҳийнларнинг ижмосига мос бўлган зоҳирий ва ботиний иймон, амал ва одобларни ўзида мужассам қилган бўлиши керак.

Бу ҳақда, шайх Ибн Боз, «Даъват ҳақида бир оғиз насиҳат» номли асарларида шундай деганлар: *«Барча ҳадислар бизга ушбу уммат ичидаги нажот топган тоифанинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у кишининг саҳобалари (розияллоҳу анҳумлар)нинг ақида, сўз ва амалларини маҳкам ушлаган кишилар экани ҳақида хабар бермоқда».*

Мусулмонлар иймонда турли даражада бўлганларидек, энг юқори иймон даражасига эга бўлган мўъмин нажот топган тоифадан бўлишга кўпроқ ҳақлидир. Худди шунга қиёс қилсак, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарувчи даъватчи оддий мусулмондан кўра кўпроқ ҳақлидир. Олимлар ва мужоҳидлар юқоридагилардан кўра кўпроқ ҳақлидир. Агар киши ҳам олим ҳам мужоҳид бўлса, у аввалгилардан ҳам кўра кўпроқ ҳақлидир.

Аллоҳнинг Ўзи Билгувчироқ!

ТАСАЛЛИ. (Муҳожир дўстимга).

Интилганим - орзуйимга етолмасам,
Кўнглимдагин дўстларимга айтолмасам.

Соғинганда қучолмасам фарзандларим,
Баён этгум Роббимга бу арз-додларим.

Нолиш эмас, бу сўзларим бир тасалли,
Ҳаёт асли бир заҳару, бир асалли.

Ўз юртимда бўлиб гўё мен бегона,
Ўзга юртга қадам қўйдим ғарибона.

Ғариблар ким?- деб сўраса биров шунда,
«Озчилик»- денг одамлар айниган кунда.

«Ғарибларга жаннат бўлсин»- деганлар-ку,
Ғариблар - бу уммат ғамин еганлар-ку.

Хушхабардир Расулимиз ҳадислари,
Етказдилар бизга уни ҳадис аҳли.

Нечун буни мен эртароқ англамадим,
Тўғрироғи дўстлар сўзин тингламадим.

Бу дунёда Роббим айтмай ҳеч иш бўлмас!
Роббим асло бандаларга зулм қилмас!

آخِرُ دَعْوَانَا أنِ الحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ العَالَمِينَ .